

Уятсиз фильмларни кўрса бўладими?

19:06 / 24.04.2016 9070

Ҳозирги пайтда жинсий алоқалар тасвирланган филмлар, турли адабиётлар ва суратлар кўпайиб кетган. Эр-хотин шаҳватларини қўзғатиш мақсадида ана шундай филмларни кўриши ёки асарларни ўқиши мумкинми?

ЖАВОБ: Йўқ, мутлақо мумкин эмас. Ислом дини бундай ишларнинг ҳаммасидан мусулмонларни қайтарган. Зеро, бу нарса зино ва бузуқликларга, турли жинсий касалликларга сабаб бўлиши мумкинлигидан динимиз буни ҳаром ва улкан гуноҳ санайди. Бунда бегоналарнинг авратини, улар ўртасидаги беҳаёликларни кўриш мумкин бўлмагани ва бу ишларда катта бузуқлик борлиги учун ҳам ҳаромдир (Аллоҳ билувчидир).